



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
11 июндаги “Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида” ги
ПҚ-3781-сонли қарори ҳақида

Халқимиз маънавий ҳаёти, миллий қадрият ва ағлаларимизнинг ажралмас бир қисми бўлган, мукәлдас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини яққол этадиган Рамазон хайитини муносиб нишонлаш жамиятимизда ўзаро хурмат, меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат ва шукроналик туйғуларини қучайтириш, ёшларимизда юксак инсоний фазилатларни қамол топтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги “Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида” ги ПҚ-3781-сонли қарорида белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги “Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида” ги ПҚ-3781-сонли қарори ижро учун рақобарликка олинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон муқулмонлари идорасининг 2018 йилда Рамазон хайитининг биринчи куни 15 июнь жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналар ва дам олиш кунларини қўчириш тўғрисида” ги 5290-сонли Фармонига мувофиқ 2018 йил 15-17 июнь кунлари – Рамазон хайитининг биринчи уч куни байрам сифатида кенг нишонлаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Нуқус шахри ва туманлар ҳокимлиқлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари

билан биргаликда Рамазон хайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон хайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Алеҳов зиммасига юқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Алеҳов

